



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

391 Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш-
да назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 124-4*

(2010 йил 12 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Адлия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомга (1995 йил 15 февраль, рўйхат рақами 124) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
87-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
2010-39-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

44-45 (440-441)-сон

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
32/2-сон

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 22 октябрь,
17-сон

— 61 —

391-392-моддалар

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Р. МУҲИТДИНОВ